



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Сирдарё вилояти статистика
бошқармаси бошлиғи

Б.А.Батыров

« 3 » декабрь 2020 йил

Сирдарё вилоят статистика бошқармаси
Хизматлар соҳаси статистикаси бўлими тўғрисида
НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси қабул қилган бошқа меъерий ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган.

3. Хизматлар соҳаси статистикаси бўлими (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) Сирдарё вилояти статистика бошқармасининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

4. Бўлим ўз фаолиятини бошқарма бошлиғи ўринбосари раҳбарлигида амалга оширади, бир вақтнинг ўзида унинг фаолияти Давлат статистика қўмитасининг Хизматлар соҳаси статистикаси бошқармаси томонидан мувофиқлаштирилади.

5. Бўлим фаолияти хизматлар соҳасида ривожланишнинг миллий ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий методологияга, халқаро стандартлар ва қоидаларга асосланган, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларнинг расмий статистика ахборотларига бўлган эҳтиёжини қондирувчи ахборот-статистика тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтирилган.

6. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига, Сирдарё вилояти статистика бошқармаси тўғрисидаги Низомга, мазкур Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

7. Бўлим ўз фаолиятини Сирдарё вилояти статистика бошқармасининг бошқа таркибий бўлинмалари ва туман, шаҳар статистика органлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

8. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) хизматлар соҳаси статистикаси бўйича ахборотларни шакллантириш ва таҳлил этиш соҳасида:

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича ахборотларни Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишлар ва муддатлар бўйича йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва чоп этиш;

хизматлар соҳаси статистикаси ахборотларини шакллантириш масалалари бўйича туман, шаҳар статистика бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

б) хизматлар соҳаси статистикаси соҳасида илмий асосланган методологияни жорий этиш соҳасида:

хизматлар соҳаси статистикаси ахборотларини шакллантириш бўйича қабул қилинган услубий ҳужжатларни амалиётда қўлланилишини таъминлаш;

туман, шаҳар статистика бўлимлари томонидан, хизматлар соҳаси статистикаси соҳасига оид давлат статистика кузатувларини ягона статистика методологияси асосида ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш;

- ҳудудий ва иқтисодий тармоқларида юзага келадиган тенденциялар фактор ва сабабларини очувчи ҳисобот давридаги статистик таҳлил усулларини қўллаган ҳолда таҳлил материаллари, ёзувлари ва маърузаларини тайёрлаш ва уларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда хўжалик бошқаруви органларига тақдим этиш;

- иқтисодий тармоқлари, ижтимоий соҳа ва ҳудудларни ривожлантириш Давлат дастурлари бажарилишининг бориши тўғрисида таҳлилий ёзувларни тайёрлаш ва уларни маъсул ижрочиларга тақдим этиш;

- иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг долзарб масалалари бўйича прессрелиз ҳамда мақолаларни, шунингдек ҳисобот даврида вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини характерловчи статистик маълумотларни тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;

- ҳисобот даврида вилоят ва унинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларини бошқарманинг расмий веб-сайтига жойлаштириш;

- статистика бошқармасининг расмий веб-сайти ва кўрсатиладиган интерактив хизматлар мазмунидан қониқиш ҳосил қилганлиги ҳусусида статистика маълумотларидан фойдаланувчилар орасида мунтазам равишда сўровлар ўтказиш;

- ишончли давлат статистик ҳисоботларни хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этиш бўйича улар билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш, статистик маълумотларни тақдим этиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва ҳуқуқий маданиятни оширишнинг ишлайдиган механизмларини ишлаб чиқиш;

- статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, узатиш ва тарқатишнинг замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг татбиқ қилиш.

9. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ, хизматлар соҳаси статистикаси бўйича статистик кузатувлар ўтказиш, умумлаштириш, таҳлил этиш, сақлаш ва статистик маълумотларни нашрга тайёрлаш ишларини ташкил этади;

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича туман, шаҳар статистика бўлимлари фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш, улар томонидан тақдим этилган ахборотларни таҳлил қилиш ишларини олиб боради;

туман, шаҳар статистика бўлимларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

бошқармаларга хизматлар соҳаси статистикаси бўйича ахборотларни шакллантиришда услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

Хизматлар соҳаси статистикаси бошқармаси билан ҳамкорликда маърузалар, статистик тўпламлар ҳамда хизматлар соҳаси жараёнларини тавсифловчи бошқа статистик маълумотларни тайёрлайди;

хизматлар соҳаси статистикасига оид статистик маълумотларни шакллантириш, сақлаш ва тарқатишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни таъминлайди.

белгиланган тартибда Бўлимга юклатилган бошқа функцияларни амалга оширади.

III. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

юримдик ва жисмоний шахслардан ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан белгиланган шаклларда ва муддатларда статистик маълумотларни сўраш ва олиш;

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг таркиби ва мазмунига оид таклифлар киритиш;

хизматлар соҳаси статистикасига оид ҳисоботлар шаклларини, танлама кузатув сўровномаларини, уларни тўлдириш бўйича тушунтиришларни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

Бўлим ваколатларига кирадиган масалаларни кенгашда муҳокама қилиш учун маълумотлар тайёрлаш;

Бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича ишлар ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш.

11. Бўлим:

ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорлари, Давлат статистика қўмитаси раҳбарияти топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, ҳисобот ва ижро интизомини таъминланиши учун;

Бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат, тижорат сирларига риоя қилиниши ва сақланишини таъминлаш учун жавоб беради.

IV. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

12. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, ушбу Низом, Давлат статистика қўмитаси буйруқлари ва қарорлари, шунингдек Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, вилоят статистика бошқармасининг иш режалари, Хизматлар соҳаси статистикаси бўлимининг йиллик иш режаси, ходимларнинг лавозим вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлим ходимларининг лавозим вазифалари бошқарма бошлиғи ўринбосари билан келишилади ва Хизматлар соҳаси статистикаси бўлим бошлиғи (кейинги ўринларда Бўлим бошлиғи деб аталади) томонидан тасдиқланади.

Юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш бўйича Бўлим фаолияти самарадорлигининг доимий мониторинги, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини ва вилоят статистика бошқармаси раҳбарияти топшириқларини электрон ҳужжат айланиши тизимида ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш, шунингдек Бўлим томонидан бажарилган режадаги ва режадан ташқари ишлар тўғрисида Бўлимнинг ойлик ҳисоботини тузиш орқали ташкил этилади.

13. Бўлимга вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

Бўлим бошлиғи:

Бўлим ходимлари томонидан юклатилган вазифалар, мажбуриятларни зарур даражада бажарилишини таъминлайди, ижро ва меҳнат интизоми ҳолати учун жавоб беради;

Бўлим ишининг самарадорлигини ошириш ва уни кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Бошқарма бошлиғи билан биргаликда Бўлим фаолиятини такомиллаштириш, Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

ходимлар томонидан Бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат ва тижорат сирларига риоя қилинишини ва сақланишини таъминлайди.

Бўлим бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

ходимларни бошқа лавозимларга кўрсатиш, ўтказиш ва рағбатлантириш, зарур ҳолларда жазолаш чорасини қўллаш тўғрисида Бошқарма бошлиғига таклифлар киритиш;

Бўлим ходимларининг лавозим маошларига шахсий устамалар белгилаш, шунингдек аввалги ўрнатилган устамаларни камайтириш ёки бекор қилиш бўйича Бошқарма бошлиғига таклифлар киритиш;

Бўлим ишини ташкил этишни, усули ва услубини яхшилаш, ҳисобот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.